
ФАРҒОНА ТУМАНИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ҚУРИБ БИТКАЗИЛГАН ИККИТА ЯНГИ МФЙ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона туманининг Тошқўрғон Азиз ва Шоҳимардонобод маҳаллалари фуқаролар йиғинларининг янги қуриб битказилган биноларини фойдалананишга топшириш маросимида иштирок этди.

Маҳаллий тадбиркорлар Нозимжон Илҳомжонов ва Одилхон Ғозиев ташаббуси билан қуриб битказилган, ҳар бирининг лойиҳа қиймати қарийб 400 млн. сўм бўлган 2 қаватли замонавий биноларда, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар билан бирга, лойиҳа ташаббускорларининг тадбиркорлик фаолияти учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-16 00:11:32